



**БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Бўтаев Ўткир Эшбоевич**

*"Ипотека-банк" АТИБ Чиноз филиали бошқарувчиси*

**Аннотация:** Мақолада республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашнинг ҳозирги босқичида мавжуд бўлган айрим муаммолар, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги механизмни такомиллаштириши йўналишлари ёритилган.

**Таянч иборалар:** кредитлаш, кредит риски, кафолат фонди, гаров таъминоти, кредит тарихи, фоиз ставкаси.

Замонавий иқтисодиётда кичик бизнес субъектлари эркин бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизимининг муҳим таркибий элементларидан бири сифатида катта аҳамият касб этади. Кичик бизнес субъектлари ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига тез ва осон мослаша олиш қобилиятига эга. Бу хусусият рақобат муҳити ривожланишига, иқтисодий тизимни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларини амалга оширишга, инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантиришга туртки беради. Кичик бизнес субъектлари ижтимоий бандлик муаммосини ижобий ҳал этишга ёрдам бериши, жамиятда ижтимоий тангликни камайтиришга имкон беришини инобатга олсак, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалдаги молиялаш механизмининг такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Мазкур механизмдан самарали фойдаланиш ҳисобига мамлакатимизда фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг сонини ошириш мумкин. Бу мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик имкониятларини кучайтиришга ва мавқеини оширишга хизмат қилади.

Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда банк секторининг алоҳида ўрни бор, чунки айнан банклар кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти самарали кечиши учун зарур бўлган молиявий хизматларни таклиф этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, банк сектори кичик бизнес субъектларига самарали ёрдам бериши учун бир қатор муаммоларни ҳал этиш керак. Айни вақтда кичик бизнес субъектларига, айниқса энди фаолият юритишни бошлаган тадбиркорлик субъектларига банклардан узоқ муддатли кредит олиш анчагина мураккаб, чунки улар олинадиган қарз эвазига гаров сифатида тақдим этиш учун етарлича бўлган мол-мулкка эга эмас. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш тижорат банклари учун ташкилий харажатлари юқори жараён ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан хусусий тадбиркорларнинг узоқ ва нисбатан қисқа муддатларда талаб этиладиган молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз кредит бозори институционал жиҳатдан ривожланиш босқичида эканлиги, таклиф



этилиши мумкин бўлган молиявий инструмент ва хизмат турларининг чекланганлиги билан характерланади. Молиявий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи нобанк институтларининг ривожланмаганлигини эътиборга олсак, бу ҳол пировардида реал иқтисодиёт секторларини етарли даражада молиялашга тўсқинлик қилмоқда. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашнинг ҳозирги босқичида мавжуд бўлган қуйидаги муаммоларни санаб ўтишимиз мумкин:

- кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмларининг етарлича самарадор эмаслиги;

- кичик бизнес субъектларининг рискларини суғурталаш механизмларининг яхши ривожланмаганлиги;

- ўзини-ўзи молиялаштириш механизмларининг суёт ривожланганлиги (буни кредит уюшмалари фаолият юритмаслиги, жамоавий инвестиция жамғармалари ва бошқа шу каби ташкилотларнинг ривожланмаганлигида ҳам кўриш мумкин);

- кичик бизнес субъектлари учун кредит ресурсларидан фойдаланиш шартлари ноқулайлиги; – кредитлаш жараёнида кредит рискинни камайтириш механизмларининг чекланганлиги;

- гаровга қўйилиши мумкин бўладиган мол-мулк етишмаслиги сабабли аксарият кичик бизнес субъектларида инвестицион, шу жумладан банк кредит ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларининг йўқлиги ва бошқалар.

Молия бозорларида, хусусан кредит хизматларини тақдим этиш бозорида, банк тизими томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг етарли даражада ривожланмаганлигининг асосий сабаблари мутахассислар томонидан юқори даражали рискларнинг мавжудлиги ҳамда кредит олувчиларда гаровга қўйилиши мумкин бўладиган молмулкнинг йўқлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Бу табиий, чунки ишлаб чиқаришда тезликда реализация қилиниши мумкин бўлган асосий фондларни шакллантириш учун камида 5-10 йил давомида фаолият юритиш талаб этилади. Н.Ямори (N.Yamori) Японияда кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштиришнинг давлат кредит кафолати тизимининг аҳамиятини таҳлил қилган. Молиявий институтлар кичик бизнес субъектларига кредитларни расмийлаштиришдан аввал улардан Кредит кафолати фонди (ККФ)га (Credit Guarantee Corporation) ариза билан мурожаат қилишни сўрайдилар. ККФ ушбу мурожаатга жавобан кредитни кафолатлатлашини билдирса шундан сўнг банк кредитни расмийлаштиради. Бунда компания кредит фоизидан ташқари ККФга кафолат тўловларини банклар орқали амалга оширади. Ушбу компаниялар банкрот ҳолатини эълон қилган тақдирларида кредитор банк зарарини ККФ томонидан қоплаб берилишини сўрайди. Ушбу ҳолатда Япония ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматлар ККФни Япония молия корпорацияси орқали тўғридан тўғри субсидиялар, тўловлар ва суғурта қилиш билан қўллаб-қувватлайдилар. Кредит кафолати тизими кичик бизнес субъектларини қўллаш учун тузилган бўлиб, кредит олувчилар бир нечта жиҳатлар, жумладан, бизнеснинг катталиги, тармоқ соҳаси каби талабларга жавоб беришлари керак<sup>1</sup>. Юқорида айтиб ўтилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олиб, кичик бизнес субъектларининг иқтисодий ривожланишига туртки бериш учун





бевосита эмас, балки билвосита рағбатлантириш услубларини ишлаб чиқишни таклиф этмоқчимиз. Билвосита рағбатлантириш услублари ҳақида гап кетганида кичик бизнес субъектлари тижорат банкларидан инвестицион кредитлар олиши вақтида давлат кафил сифатида иштирок этиши мумкин. Давлат органлари банк ҳамда кредитлаш тизимлари билан ўзаро ҳамкорликда чоратадбирлар ишлаб чиқишса, пировардида кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурслар билан таъминланиш муаммосини ҳал этишга муваффақ бўлиши мумкин бўларди.

Бир сўз билан айтганда, тижорат банклари ҳамда кичик бизнес субъектларининг кредит муносабатлари соҳасида давлат кафолати институти яратилиши лозим. Кафолат институти яратилса, мутасадди давлат органлари миллий банк ва кредит муассасаларини кичик бизнес субъектларига кредит ажратишга ундаши мумкин бўлади. Бу ўринда, давлат ўз зиммасига кафилликни олиб қарз мажбуриятлари доирасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти учун зарур инвестицион маблағларнинг жалб этилишига шароит яратиб беради. Гап шундаки, кредит бўйича етарли даражада таъминот мавжуд бўлмаса, банклар юзага келиши мумкин бўлган рисклар қийматини кредит фоизига қўшиб юборишга мажбур бўлишади. Кредит олишдаги ташқи муаммолар:

- молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари юқорилиги;

- кредитни сўндириш муддати қисқалиги;

- кредит олиш жараёни мураккаблиги, узоқ муддатлиги ва бошқалар.

Кредит олишни қийинлаштирадиган ички муаммолар:

- кичик бизнес учун таклиф қилинаётган кредитлар чекланганлиги;

- кичик бизнес субъектларини кредитлашда рақобат бозори мавжуд эмаслиги;

- фаолиятининг миқёси кичиклиги, унинг ҳолатини баҳолаш қийинлиги;

- кредит олиш учун бизнес-режа тайёрлаш сифати;

- кредит тарихи мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Молия бозори ривожланган мамлакатлар амалиётида кредит ташкилотлари маблағлари кичик бизнесни ривожлантириш учун асосий молиялаш манбаи хисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашда тижорат банклари маблағлари юқори улушни ташкил этади. Мисол учун, кичик бизнесга ажратилган кредитлар Кореяда 2013 йил 1 январь ҳолатига ЯИМга нисбатан 38,9%, Таиландда 33,7%, Малайзияда 20,1% ни ташкил этган. Банклар томонидан ажратилган жами кредитлар умумий ҳажмида кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг улуши Хитой, Корея, Таиланд каби давлатларда 30-40%, Индонезия, Малайзия, Қозоғистон давлатларида деярли 20%ни ташкил этган<sup>1</sup>. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, кичик бизнесни инвестиция маблағлари билан таъминлаш учун самарали молиявий инфраструктура шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан фаол давлат сиёсати олиб борилиши зарур. Хорижий тажрибага мувофиқ, кичик бизнесни самарали қўллаб-қувватлаш кенг ваколатлар, молиявий маблағлар, бутун мамлакат бўйича филиалларига эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилот ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги



вақтда иқтисодий ривожланган давлатларда кичик бизнесни тўғридан-тўғри молиявий қўллаб-қувватлаш усулларига нисбатан билвосита қўллаб-қувватлаш усулларида кўпроқ фойдаланилмоқда. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шаклларида бири ва банк кредитларини кичик бизнесга жалб этишни оширишга имконият яратадиган кафолат бериш шакли ҳисобланади. Аксарият мамлакатларда муваффақиятли фаолият юритиб келаётган кафолат фондлари кичик ва ўрта корхоналарга кредит олиши учун таъминот тақдим этиб, банк ва бошқа кредит ресурсларидан фаол фойдаланишга шароит яратиб келмоқда. Бу тажриба кичик бизнеснинг амалдаги субъектларини нафақат қўллабқувватламоқда, балки янги корхоналарнинг пайдо бўлишини рағбатлантирмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишида банкларнинг ролини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

- Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳияти юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, жойларда кичик бизнес субъектларига мини технологиялар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш механизмини такомиллаштириш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли фоиз ва шартларда кредитлар ажратишни кўпайтириш, банк билан ўзаро муносабатда банкка тақдим этиладиган ҳужжатларни янада соддалаштириш ва ихчамлаштириш, банк хизматлари баҳосини арзонлаштириш;

- Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, республикамизда ҳам микрокредитлаш бўйича ихтисослаштирилган Микромолиялаш институтларини ташкил қилиш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига консалтинг ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш даражасини юксалтириш. Улар ўртасида рақобатни қўллабқувватлаш ва консалтинг хизматлари бозорини шакллантириш.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистонда лизинг хизматлари секторининг обзори. 2022 йил якунлари бўйича. «Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Ассоциацияси». Тошкент, 2022. –
2. 2-б. <http://ula.uz/files/1467200502.pdf>  
<http://www.cbu.uz/upload/Monetar/2022/Монетар%20сиёсатнинг%202016%20йилга%20мўлжалланган%20асосий%20йўналишлари.pdf>
3. Марказий банк ва давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
4. Asia SME finance monitor 2021. <https://www.adb.org/publications>
5. N.Yamori. Japanese SMEs and the credit guarantee system after the global financial crisis. Cogent Economics & Finance Volume 3, 2023 - Issue 1 (2023).